



туриш пайтида ерга қўл билан суянишдан очиқ-ойдин қайтарилмоқда.

**→Эътироз:**

Ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг ҳадиси икки жиҳатдан заифдир:

1. Муҳаммад ибн Абдулмалик мажҳулдир.
2. Бу ривоят сиқаларнинг ривоятига хилофдир. Маълумки, муҳаддислар ва бошқа аҳли илмларнинг қоидасига кўра сиқаларга хилоф бўлган ҳадис шоз ва рад қилингандир.

Бунга қуйидагича жавоб берамиз:

1. Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳ Бағдодий Абу Бакр Ғазол Имом Аҳмад роҳматуллоҳи алайҳнинг асҳобларидан бўлган. Ундан икки шайхдан бошқа тўрт муҳаддис ривоят қилган. Насоий уни сиқа деган. Ибн Абу Ҳотим айтади: “Отам ундан ҳадис эшитган. У содуқдир”. Ибн Ҳиббон ҳам уни сиқалар орасида зикр қилган. Балки бу ўринда Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳни Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абу Маҳзурага чалкаштираётган бўлишса керак. Дарҳақиқат Ибн Қаттон Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Абу Маҳзурани мажҳул деган. Заҳабий ҳам “Мезон”да уни нотаниш, деган.
2. Сиқаларга хилоф бўлган ривоят шоз ва мардуд бўлиши учун уларнинг ривоятига очиқчасига қарши келган бўлиши лозим. Яъни бирини қабул қилиб, иккинчисини рад этиш лозим. Ҳофиз “Нухба”нинг 35-саҳифасида бунинг баёнини қилган. Бу жойда эса ундай эмас. Чунки Абу Довуд шайхларининг тўрттасидан бу ривоятни келтирган. Ибн Рофеъ айтади: “Кишининг қўлига суянган ҳолда намоз ўқишидан қайтардилар”. Ибн Шабух айтади: “Кишининг намозда қўлларига суянишидан қайтардилар”.

Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳнинг лафзи бу икки лафзни инкор қилмайди, балки Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳнинг ривоятида уларнинг ривоятидаги мутлақликни қайдлайдиган қўшимча мавжуд. Яъни: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам киши қачон намозда турса икки қўлига суянишидан қайтардилар”. Бу ерда шозликдан бирор нарса йўқ. Шоз деганда сиқанинг ривояти сиқалар ривоятига хилоф тарзда бўлишига айтилади. Сиқанинг ўзи ривоят қилиб, бошқалар уни ривоят қилмаган бўлса буни шоз дейилмайди. “Тадрибур Ровий”да буни батафсил баён қилинган. Бунинг устига Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Занжуҳнинг ривоятини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва саҳобаи

киромларнинг феъллари ҳамда кўплаб тобеъинларнинг сўзлари қувватлайди. Уларда қўлларга суяниб қиёмга туриш макруҳлиги айtilган. Бу ҳадиснинг маъносини шундай тарзда қувватли экан, уни рад қилиш тўғри бўлмайди...

## 24-Матн:

**Иккинчи ракатда биринчи ракатда қилган сўз ва феълларга ўхшашини амалга оширадилар. Фақат у зот иккинчи ракатда биринчи ракатдаги киришишни қилмас, тааввузни айтмас ва намозларининг дастлабки такбирларидан бошқа бирор жойда икки қўллари кўтармас эдилар.**

## 24-Матннинг далиллари:

هُلِّلَا يَلِّصُ هَلَلَا لَوْسَرَ انِي لَعَجَخ : لَاق ، ام هَنْعُ هَلَلَا يَضَرَّ هَرْمَس نَب رِبَاج نَع-١  
اونكسا ، سَمْش لِيخ بَانْدَا هَنْكُ مَكِّي دِيَّي عِفَار مَكَارَا يَلَام " : لَاق فَمَلَسَو هِيَلَع  
" هَلَّصَلَا يَف "

1. Убайдуллоҳ ибн Қибтийядан, у Жобир ибн Самура розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқиб: **“Нимага сизларни икки қўлларингизни қайсар отнинг думига ўхшаб кўтараётганингизни кўряпман?! Намозда сокин туринглар”**, дедилар”. Муслим ривояти 1/322.

Ҳадис шариф сокин туришликка далолат қилади. Намозда қўллари кўтаверишлик бунинг зиддидир.

هُلَلَا لَوْسَر هَالص مَكْب يَلِّصُ أَلَا : دوعسم نَب هَلَلَا دَب لَاق : لَاق هَمَقْلَع نَع-٢  
هَرْم لَوْ أَلَا هِي دِي عِفَرِي مِي ف يَلِّص ف مَلَس و هِي لَع هَلَلَا يَلِّص

2. Алқамадан ривоят қилинади: “Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: “Сизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозларини ўқиб берайми?” деб, икки қўлини биринчи мартада кўтарганидан бошқа кўтармади”. 1/35. Термизий ривоят қилган ва: “Ушбу бобда Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ва ҳадис ҳасандир. Бу Суфённинг ва Куфа аҳлининг сўзидир”, деган. Рижоллари Муслим рижолларидир. Ибн Ҳазм “Талхис”да буни саҳиҳ деган. 1/83. Буни Насай ҳам ривоят қилган.

## 25-Матн:

**Агар иккинчи ракатда иккинчи саждадан бошларини кўтарсалар, чап оёқларини тўшаб унинг устига ўтирар эдилар, ўнг оёқларини**

тик тутган ҳолда унинг бармоқларини қиблага юзлантирадилар.

## 25-Матннинг далиллари:

هُلِّلِ الصَّلَاةَ لِوَسْرَةِ الصَّلَاةِ نَرْطُنْ أَلْ تُلُقَ عَنِّي دَمْلًا تَمْدَقَ لِقَائِ رُحْنَبِ أَع-١  
هُدَى غَضَّو وَيَسْئَلُ الْوَجْرَ شَرَّتْ فَادَّهَشْتَلَّ يَنْعِي سَلَجَ أَمَلَفَ مَلَسَ وَهَيْلَعُ  
ثِيَدَحَ آدَهَ يَسِيْعُ وَبِأَلْ لِقَائِ نَمُيْلُ الْوَجْرَ بَصَنَ وَ يَسْئَلُ الْوَجْرَ يَنْعِي يَسْئَلُ  
لَهُ أَوْ يَرُوْثَلْ أَيْ فُسْ لَوْ وَهُوَ مَلْعَلُ الْوَجْرَ أَرْتَكُ أَدْنَعُ هَيْلَعُ لَمْعَلُ أَوْ حَيَّحُ صَنْ سَح  
كَرَابُ مَلْ لِقَائِ نَبَا وَهَيْلَعُ

1. Воил ибн Хужр розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг намозларини кўрай деб Мадинага бордим. У зот ташаҳхудга ўтирсалар, чап оёқларини тўшар, чап қўлларини чап сонларига қўяр ва ўнг оёқларини тик қилардилар”. Термизий ривояти. Абу Ийсо айтади: “Ҳадис ҳасан саҳиҳдир. Аксар аҳли илмлар наздида амал шунга кўради. Бу Суфён Саврий ва Куфа аҳлининг ҳамда Ибн Муборакнинг сўзидир”.

٢-ع-١ الصلوات فتسري ملسو وهي لعل لصل لوسر ناك : تلاقه شئاع ن-ع  
هسأر صخشي مل عكر اذناكو ني مل اعلا بر هل دمحل ب ءارقلاو ربك تلاب  
ىتح دجسي مل عوكرلا نم هسأر عفر اذناكو كلذ ني ب نكلو هبوصي ملو  
ناكو اسلاج يوتسي ىتح دجسي مل ءدجسلا نم هسأر عفر اذناكو امئاق يوتسي  
هلجربصنيو ىرسيلال هلجرشرفي ناكو ءيحتلال ني تعكر لك في لوقي  
شارتفا هي عارذ لجرلا شرتفي نأىهني وناطي شلال ءبقع نع ىهني ناكو ىنم يلال  
ملسم هاور . مي لس تلاب ءالصل ماتخي ناكو وعبسلا

2. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам намозни такбир ва **“Алҳамду лиллааҳи робил ааламийн”**ни қироати билан бошлар эдилар. Қачон рукуъ қилсалар бошларини кўтариб ҳам, тушуриб ҳам юбормас, балки шунинг ўртасида тутар эдилар. Қачон саждадан бошларини кўтарсалар ростланиб ўтирмагунларича сажда қилмасдилар. Ҳар икки ракатда “Таҳийёт”ни айтардилар. Чап оёқларини тўшар эдилар ва ўнг оёқларини тик тутар эдилар. Шайтон уқбасидан қайтарар эдилар ва кишининг йиртқич ястанишидек тирсакларини ястанишидан қайтарар эдилар. У зот намозни салом билан тугатар эдилар”. Муслим ривояти. 1/194.

Оиша онамиз розияллоху анҳонинг “Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам шундай қилар эдилар”, дейишлари мутлақ бўлиб, бу у зотнинг икки ташаҳхудда шундай ўтиришларига далолат қилади. Чунки у киши ушбу ҳадисда ҳар икки ракатда машруъ зикрни баён қилиб, бунинг ортидан ўтириш кўринишини зикр қилмоқдалар. Аслида бу билан аввалги

ҳолатни зикр қилиб, кейинги ҳолатни эсдан чиқариб қўяётганлари йўқ,  
балки аввалги ва кейинги ташахҳудларда ҳам шундай ўтирганликларини  
айтмоқдалар.